

ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИ ШАКЛЛАНИШИГА ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

Курбонали Сулаймонов

ФарДУ доценти, тарих фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6792387>

Аннотация. Мақола интеллектуал маданият тушунчаси, унинг шахсда намоён бўлиш шакллари, мақсади ва вазибалари баён этилган. Шунингдек, мақолада асосий эътибор ёшларда интеллектуал маданият компонентларини шакллантириш омиллари, унинг ташкилий, методик, психологик ва ижтимоий омиллари ижтимоий тараққиёт билан уйғунлаштиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари тадқиқига қаратилган.

Калим сўзлар: шахс, интеллект, маданият, фан, глобал муаммолар, интеллектуал маданият, интеллект механизми, интеллектуал капитал.

ВЛИЯНИЕ ОБЪЕКТИВНЫХ И СУБЪЕКТИВНЫХ ФАКТОРОВ НА ФОРМИРОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЕЖИ

Аннотация. В статье описывается понятие визуальной культуры, формы ее проявления в человеке, ее назначение и функции. Также основное внимание в статье уделяется изучению факторов формирования компонентов интеллектуальной культуры у молодежи, социально-философским проблемам согласования ее организационных, методологических, психологических и социальных факторов с социальным прогрессом.

Ключевые слова: личность, интеллект, культура, наука, глобальные проблемы, индивидуальная культура, механизм интеллекта, интеллектуальный капитал.

THE INFLUENCE OF OBJECTIVE AND SUBJECTIVE FACTORS ON THE FORMATION OF THE INTELLECTUAL CULTURE OF YOUTH

Abstract. The article describes the concept of visual culture, its forms of manifestation in a person, its purpose and functions. Also, the main attention in the article is paid to the study of the factors of the formation of components of intellectual culture in young people, the socio-philosophical problems of the alignment of its organizational, methodological, psychological and social factors with social progress.

Keywords: personality, intellect, culture, science, global problems, intellectual culture, intellect mechanism, intellectual capital.

КИРИШ

Шахс интеллектуал ва маданий салоҳияти фуқаролик жамияти шароитида иқтидор эгаларини тарбиялаб камолга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Интеллектуал маданиятнинг муҳим хусусияти, яъни диний ва дунёвий билимларни ўзлаштира олиш, такомиллаштириш, инновацион билимларни эгаллаш ҳамда ўз-ўзини англаш, фикрлаш, касбига оид кўникма ва малакаларга эга бўлган ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантириш глобал даражадаги муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги дунё ёшлари – сон жихатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ”[1]. Лекин, афсуски, БМТнинг маълумотларига кўра,

дунёдаги ёшларнинг 160 миллиондан ортиғи интеллектуал қоқоқликдан азият чекмоқдалар[2].

Янги ривожланиш даврида ёшлар маънавияти таркибида унинг интеллектуал тафаккури, ақлий фаолияти ва фан қадриятлари ижтимоий ривожланишга жиддий таъсир кўрсатмоқда, модомики, шундай экан, унинг ақлий-малакавий омилкорлиги, илмий тафаккури ва илм-фан соҳасидаги фаоллигининг ўзига хос қонуниятларини таҳлил этиш долзарб фалсафий муаммо саналади.

Ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантириш муаммоси, бир томондан, фуқаролик жамияти маънавий маданияти, иккинчи томондан, шахс структуравий элементлари билан узвий боғлангандир. Шахснинг интеллектуал маданияти эса унинг ақлий қобилиятига асосланган гносеологик фаолиятининг мақсад ва вазифаларини белгилаш, интеллектуал қадриятлар яратиш малакалари, билиш манбалари ҳамда инфорацион-техникавий воситалар билан ишлай олиш қобилиятидир.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Интеллектуал маданиятнинг фалсафий мазмуни, тузилиши, шакллантириш механизмлари ва юксалиш жараёнинини англамай туриб шахс интеллектуал маданиятининг моҳиятини тушуниб бўлмайди. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда, тадқиқот мавзуи доирасидаги муаммоларни ўрганишда интеллектуал маданиятнинг мантиқий асослари, структуравий элементлари, интеллектуал жараёнларнинг бошқа шакллари билан ўзаро алоқадорлиги ҳамда узлуксиз таълимнинг унга таъсири билан боғлиқ масалалар россиялик файласуф олимлар Б. С Гольдштейн, Ю. А. Варфоломеева, В. П. Романов, О. В. Иншаков, Н. Глебова, В. Нечаев, М.Максичева, Д.В.Митрофанов[3]лар томонидан таҳлил қилинган.

Ўзбекистонлик файласуф олимлардан Н.Х.Ҳақимов, М.А.Нурматова, А.А.Азизикулов, Д.Р.Кенжаева, Ф.У.Мусинов, Д.Ю.Ходжаева, Т.Х.Қурбонов, Ф.Н.Жўрақулов, А.А.Абдумаликов, Г.Ж.Туленова[4]лар ёшлар интеллектуал фаолиятининг маданий-маънавий, процессуал, иждодий ва қадриятли-эмоционал томонларига ўз эътиборларини қаратганлар. Мазкур илмий тадқиқот ишларида ёшлар интеллектуал маданияти ақлий қобилият, ақлий эҳтиёж, иждодий малака ва лаёқатлар йиғиндиси тарзида қараб чиқилади ҳамда жамият ва шахснинг инновацион, инфорацион фаолияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинган.

Интеллектнинг моҳиятини фалсафий тадқиқ этишда ранг-баранг турли илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян назарияларни англантишга хизмат қилади. Қуйида айрим адабиётларда улар тўғрисидаги мулоҳазаларга тўхталамиз.

Тафаккур мазмунига ассоционистик ёндашувда образ-тасаввурларга ғайриихтиёрий бўйсунуш, ассоциацияларнинг тўпланиш жараёнини Д.Гартли, Дж.Пристли, Дж. Милль ва бошқалар тадқиқ этдилар[5]. Интеллектни интеллектуал операцияларнинг амал қилиши тарзида тавсифловчи Вюрцбург мактабининг О.Кюльпе, Н.Ах, К.Марбе каби намояндалари эса тафаккурни жараён тарикасида ўрганишга эътибор беради[6].

Гелштальтпсихология вакилларида бўлган тадқиқотчилар М.Вертгеймер, К.Коффа, К.Дункер, В.Келер ва бошқалар тафаккурга вазиятларни қайта тузиш ҳодисаси тарзида ёндашади[7]. Субъектив бихевиористлар (Д.Миллер, Ю.Галантер ва бошқалар)

фикрича, тафаккур “организмда амал қиладиган жараён”дир[8]. Инсон хулқ-атвори муаммосини биринчи ўринга қўйган психоаналитиклар назарида эса, туш кўрганда пайдо бўлувчи ғайриихтиёрий образли фикрлар тафаккур асосида ётган онгсиз мотивлар пайдо бўлишининг муҳим жиҳатларидир.

Фалсафий қарашларда интеллектга когнитив фаоллик тарзида ёндашишга доир А.Ньюэлл, Г.Саймон, П.Линдсей, У.Найссерларнинг назариялари ҳам шаклланган. Бундай ёндашув тафаккур, идрок, хотира, диққат кабиларни бир-биридан ўзаро ажратиб ўрганишга барҳам беришга интилади[9].

Тадқиқотчи У.Найссер когнитив фаолликнинг дунёвий ва диний билимларни эгаллаш, ташкиллаш ва рационал фойдаланиш билан боғланганлигини таърифлайди[10]. Бизнинг фикримизча, бу таъриф муҳим назарий аҳамиятга эгадир.

Мавжуд чоп қилинган илмий-фалсафий йўналишдаги адабиётлар, тадқиқот мавзусига доир манбалар ва изланишлар таҳлили ёшлар интеллектуал маданиятининг моҳияти, уни юксалишининг ўзига хос хусусиятлари мустақил тадқиқот объекти сифатида алоҳида олинган ҳолда ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқот олиб бориш давомида тизимлилик, назарий-дедуктив хулоса чиқариш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантикийлик, герменевтик таҳлил, ворисийлик, умуминсонийлик ва миллийликнинг ўзаро бирлиги, қиёсий таҳлил каби илмий-фалсафий тамойиллар ва тараққиёт ғояси ташкил этади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Истеъдодли кишилар ижодида методологик билимлар билан интеллектуал маданият ўртасида ички алоқадорлик фавқулудда теран акс этади. Интеллектуал маданиятнинг буюк соҳиблари бўлган Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Амир Темур ҳақидаги фикрларда ҳам аждодларимизнинг олимлик, авлиёлик, донишмандлик каби салоҳияти ва фазилатлари муносиб баҳоланган. Буюк аждодларимизнинг муносиб вориси бўладиган ёшларни тарбиялаш хусусида Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайди: “етақчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намоёндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш давлатимизнинг устивор вазифаларидан бири бўлади”[11].

Ёшлардаги мавжуд интеллектуал қобилиятлар, кўникма ва имкониятларнинг фаолиятдаги умумлашиб бошқалардагига қараганда юқорироқ даражада намоён бўлиши иқтидор бўлиб, у биринчи ўринда ирсий имкониятлар билан боғлиқ ҳолда соғлом, муайян ижтимоий муҳитда шаклланади. Бу ўринда ирсий имконият қанчалик юқори бўлмасин, ижтимоий муҳит қанчалик ижобий бўлишига қарамасдан болада ирсий имконият берилмаган бўлса, бундай шахсларда юқори иқтидор намоён бўлмайди. Демак, иқтидорли шахсда маълум ирсий имкониятлар жисмонан мавжуд бўлиб, унинг ушбу имконияти маълум ижтимоий муҳитда шаклланиб, юксалиб боради.

Шу ўринда 1925 йилда иқтидор билан руҳий нуқсонлар ўртасидаги боғланиш, уларнинг ижтимоий муҳит таъсирида болада баргараф этилишини аниқлаган тадқиқотчи Г.В. Сегалиннинг қуйидаги жадвалларини келтиришни лозим топдик[12].

Отасида руҳий нуқсон аниқланган, онаси эса иқтидорли бўлган буюк шахслар

Буюк шахслар	Отаси	Онаси
--------------	-------	-------

	Иқтидор	Нуқсон	Иқтидор	Нуқсон
Успенский	-	+	+	-
Стендаль	-	+	+	-
Лев Толстой	-	+	+	-
Достоевский	-	+	+	-
Ж.Ж. Руссо	-	+	+	-
Шарл Жерар	-	+	+	-

Отаси ва онасида руҳий нуқсон аниқланган буюк шахслар

Буюк шахслар	Отаси		Онаси	
	Иқтидор	Нуқсон	Иқтидор	Нуқсон
Кеплер	+	+	-	+
Гёте	+	+	-	+
Блок	+	+	+	+
Мопассон	-	+	+	+
Байрон	+	+	+	+
Шопенгауер	-	+	+	+
Бальзак	+	+	-	+

Юқоридаги жадвалдан кўринадики, инсоннинг ота-онасида ирсий камчиликлар бўлсада, унинг кейинчалик даҳо олим бўлиб етишишида ижтимоий муҳитнинг аҳамияти муҳим экан.

Фалсафий тадқиқотлар шундан далолат берадики, буюк, иқтидорли, ижодкор инсонларнинг ота-оналари, устозлари ва тарбиячилари уларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Боланинг ёшлигиданоқ бирор соҳага қобилиятини рўёбга чиқаришда ота-она ва оилавий муҳитнинг аҳамияти катта. Тадқиқотчи З. Ибодуллаев бу борада қуйидагиларни таъкидлайди: “Бу ўринда мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийдаги шеърятга бўлган қизиқиш илк болалик ёшидан илғаб олинган ва унга ҳар тамонлама кўмак берилган. Натижада, Ҳазрат Навоий буюк шахс бўлиб етишди ва шеърят султони деган номни олди. Демак, қобилиятни тараққий эттириш зарур. Борди-ю қобилиятнинг нишонаси бўлмаси, уни ривожлантириб бўлмайди”[13].

Профессор В.Б.Тарасовнинг таъкидлашича, “Интеллект индивиднинг маълум даражада мустақкам, барқарор ақлий қобилиятлари тузилишидан иборатдир”[14]. Оксфорд университетининг профессори Н. Бостромнинг фикрича, “интеллект – инсоният учун мавжуд бўлган муаммоларни ечишга қодир ақл”[15] дир.

Интеллектуал капитал ақлий меҳнатда аниқ қиймат мавжудлигини англатади. Интеллектуал капитал икки хил маънода, биринчидан, етук мутахассиснинг ақл-идроки, иккинчидан, инсон(инсон капитали) нинг интеллектуал мулки сифатида қайд этилган шаклда юзага келади[16]. Уни қандай кўпайтириш ва шакллантириш мумкинлиги тўғрисида эса барча давлат раҳбарлари бош қотирмоқда.

Интеллектуал маданият ўзагини диалектик қонунлар ва фалсафий- методологик маданият ташкил қилади. Методологик билимларнинг ўзи муҳим илмий функцияни амалга ошира олмайди, балки фақат тафаккур маданиятини шакллантириш, шунингдек, дунёвий билимларни яхлит ташкиллаш билан чекланади. Бу билимлар мажмуаси нафақат ихтисослашган профессионал фаолият доирасидан чиқиш, шу билан бирга, қобилиятлар

юзага келишида сифат ўзгаришлар рўй беришига ҳам кўмаклашади. Фаннинг эски қолипларини инкор этиш ва бу соҳада сифат ўзгаришлари қилишнинг яққол намунаси сифатида Н. Коперник, Г. Галилей, Лобачевский, А. Эйнштейн ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Бироқ фалсафий билимнинг маънавий (қадриятлар ва мўлжаллар) қисми юксалиш қонунига ҳам, ҳокимият ва вақтга ҳам бўйсунмайди. У тарихига «юксак», «тубан» мезонлари билан ёндашиш мумкин бўлмаган санъатга яқинроқ. Ньютон табири билан айтганда, олимлар ўз ўтмишдошларининг «елкалари»да туради: улар ўз ижоди билан бир умумий ишни давом эттиради, ривожлантиради. Санъаткорлар эса бу сафга сирмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири – алоҳида дунё, алоҳида олам (лекин бу даврлар ва авлодларнинг бадиий тажрибасида ворисийликни истисно этмайди)[17].

Илм-фандаги юқоридаги каби ворисийлик, биродарликнинг аҳамияти ҳақида Президент Ш. Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари аҳамиятлидир: “ҳеч шубҳасиз, энг аввало икки муаззам сиймо – Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари мавлоно Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг самимий биродарлик муносабатлари ёдга тушади”[18].

МУҲОКАМА

Ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантиришда замонавий олий таълим нафақат юксак малакали кадрлар тайёрлаш, балки кишиларни янгиликларни билиш, янги билимлар ва интеллектуал қадриятларни яратишга, шу билан бирга, турли илмий мактаблар томонидан яратилган интеллектуал анъаналарни ривожлантиришга интилувчи кадрлар тайёрлашга ҳам йўналтирилди.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятида мунтазам равишда интеллектуал маданият шаклланиб келди. Цивилизация тараққиётида интеллектуал соҳада олимлар-интеллектуаллар, таълим, кутубхона уч муҳим манбани ташкил қилади. Инсоният тарихида турли объектив ва субъектив сабабларга таълим даражасининг пасайиши, кутубхоналарнинг беркитилиши жамиятда турғунлик, деградация ва ривожланишни истисно қилишга олиб келган. Шунинг учун интеллектуал тараққиёт тизимининг бу компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик социумнинг барқарор ривожланиши, янги назариялар, билимлар, инновация ва технологиялар амал қилиши, интеллектуал тажрибаларнинг ўзаро олмашинуви учун ўта зарурдир.

Шунингдек, ёшлар интеллектуал маданияти шиаклланишида жаҳон миқёсида интернет ҳукмронлиги ҳамда узлуксиз таълим ва илмий муҳитнинг халқаро ҳамкорлик соҳасида глобаллашув жараёнлари очик таълим позициясини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, электрон кутубхоналарнинг тажриба ва билимларни халқаро миқёсда ўзаро алмашиш омили сифатидаги роли ортиб бормоқда. Узлуксиз таълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий, очик ҳамда масофали усуллари ижодий ривожлантирган ҳолда таълим соҳасида ва ахборот ресурс марказлари томонидан дунёвий билим ва инфор­мацион ресурсларни узатишда қўлланилаётган ҳозирги замон электрон коммуникатив воситалари инфор­мацион жамиятдаги шахснинг инновацион характердаги интеллектуал маданияти шаклланишининг таркибий қисмини ташкил қилади. Самарали интеллектуаллашувни социумда амалга ошириш учун турли халқаро илмий мактаблар, умуман фан тараққиётини интеграциялаш ва дифференциация қилишда эришилган тажрибалардан фойдаланиш зарур.

Жамиятда ёшларнинг интеллектуал маданияти тараққиёти конкрет шахснинг ақлий ва аналитик қобилиятларига боғлиқ бўлади. Мамлакатимизнинг истиқболи, мунтазам тараққиёти кўп жиҳатдан баркамол, интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга мос узлуксиз таълим-тарбия олиб боришга боғлиқ. Бу асослар ўз Ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни узлуксиз таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири даражасигача кўтарди.

Ёшлар интеллектуал маданияти шаклланишига фақатгина ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки фалсафий ёндашув ҳам зарурдир. Масаланинг фалсафий таҳлилида интеллектуал маданиятнинг асослари, унда билимлар турларининг ўзаро трансформацияси, билимларнинг объективация ва генерация жараёнларига бўлган таъсирига эътибор қаратилади.

Ёш авлоднинг шаклланиши реал шароитларда амалга ошади, бунга мувофиқ ҳолда уларда индивидуал иқтидор ривожланади. Бир кишининг иқтидори бошқасиникидан тубдан фарқланади. Қобилиятлар ривожланиш жараёнида шаклланиб боради, тараққиёт жараёнида иқтидорнинг ўзига хос тартиби таркиб топади. Натижада бир шахсда махсус талантга айланмаган, турли йўналишларда намоён бўлувчи умумий истеъдод, бошқа бир шахсда эса муайян бир йўналишдаги талант шаклида ривожланган бўлиши мумкин.

Бу ерда ёшлар ижодий қобилиятини тавсифлашга оид муҳим асосий ёндашувлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз.

Биринчи ёндашувга кўра, бундай қобилиятлар мавжуд эмас. Лекин, бу ерда интеллектуал истеъдод шахс ижодий фаоллиги тарзида намоён бўлиши, ижодий фаолликнинг сабабчиси тарзида мотивлар, кадриятлар ва шахсий фазилатлар асосий роль ўйнаши мумкин.

Иккинчи ёндашув ижодий яратувчанликни интелектга боғлиқ бўлмаган мустақил омил, деб ҳисоблайди. Бу назария тарафдорлари фикрича, интелект даражаси билан яратувчанлик (инноваторлик) даражаси ўртасида муайян алоқа амал қилади.

Учинчи ёндашув интелектнинг юксак даражаси ижодий қобилиятларнинг ҳам юқори бўлишини назарда тутди.

Айрим тадқиқотчилар эса инсоннинг қобилиятлари ҳақидаги муаммони ижодкор шахс муаммоси билан айнанлаштиради, оқибатда алоҳида ижобий қобилиятлар эмас, балки муайян мотивация ва руҳий фазилат соҳиблари бўлган шахслар мавжуд, деган фикрни илгари сурадилар.

Янгиликка интилувчан интеллектуал маданият субъекти бўлмиш ёш ижодкор куйидаги фазилатларга эга бўлиши лозим:

1) мустақил фикрга эга бўлган ҳамда гуруҳниқидан унинг шахсий стандартлари устун бўлса, баҳолаш ва ҳукмда ноконформизм кўзга ташланса мустақил фаолият кўрсатиш;

2) ақл-идроқда очиқ-ойдинлик ўзи ва ўзгаларга хос бўлган илмий фантазиясининг моҳиятига аниқлик киритишга тайёр туришлик;

3) номуайян ва ечими топилмаган вазиятларга бағрикенглик билан ёндашиш, амалий, ижтимоий фаоллик кўрсатишга интилиш;

4) ривожланган эстетик туйғу, гўзалликка мутлақ мукаммаллашмаган қониқишлик сифатида интилиш;

5) ўз шахсий қобилияти ва характери потенциалига тўла ишониш ва ҳоказо.

Ижодкор ёшларнинг бу муҳим белгиларига яна тадқиқий инновацион фаолиятда манфаатпарастлик мавжуд эмаслигини ҳам киритиш лозим. Бунинг оқибатида интеллектуал фаоллик, ақлий фаолиятдаги давомийлик, ишнинг на амалий манфаат, на ташқи субъектив баҳоси билан алоқадор бўлмаган интеллектуал ташаббускорлик вужудга келади[19].

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ёшларда интеллектуал маданиятнинг шаклланиши кўпроқ юқори даражадаги билиш фаоллиги, тафаккур ва интеллектнинг ривожланганлиги билан боғлиқдир. Шу боис шахс камолотида ундаги қобилият ва иқтидор малакаларини олдиндан кўра олиш ва уларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтира олиши керак.

Иккинчидан, интеллектуал маданият инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланиб, унинг ёрдамида ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади, чунки булар орқалигина эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли, бузғунчи оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак малакали мутахассисларни салоҳиятли, сиёсий онгли, ватанимиз манфаатларига содиқ қилиб тарбиялаш имконияти яратилади.

Учинчидан, глобаллашув шароитида миллий ва умуминсоний қадриятларни синчиклаб, мукаммал ўрганиш, замонавий илм-фан, техника-технологиялар борасидаги ютуқларни илмий асосда ўрганиш ва таҳлил қилиш бўлажак ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар интеллектуал маданиятини кенгайтиришда мустаҳкам илмий асос бўлмоқда.

Тўртинчидан, давлат, жамият, муассаса, жамоа, оила ва инсонларнинг замонавий ҳаётий эҳтиёжларини қондириб бориш борасидаги янги моддий ва маънавий неъматларни, яъни шахс интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириб бориш глобаллашув шароитининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 252
2. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/2003>. Фарзандлари соғлом юрт. 06 Август 2014
3. Митрофанов Д.В. Особенности интеллектуальной культуры студентов // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. Тамбов, 2016. Т. 21. Вып. 10 (162). С. 14-19.
4. Туленова Г. Ёшларда мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарурати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 48 б.
5. Лобанов А.П. Психология интеллекта и когнитивных стилей. Мн: Агенство Владимира Гревцова, - М.: 2008. – 296 с
6. Дружинин В.Н. Психология способностей. Выдающиеся ученые Института психологии РАН Институт психологии РАН, 2007. 544 с

7. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. – Москва: Прогресс. 1987. 336 с. Дункер К. Холодная М.А. Психология интеллекта. (Мастера психологии). Изд. 2-е, дополнен. и перераб. С-Пб Питер. 2002. - 272с.
8. Роберт Фрейджер, Джон Фейдимен. Радикальный бихевиоризм. Б. Скиннер. - Санкт-Петербург. Прайм-Еврознак, 2007. - 125с
9. Коллектив авторов . Когнитивная психология: история и современность. – Москва: Ломоносов, 2011. 384 с.
10. Найссера У., Хаймен А. Когнитивная психология. Под редакцией У. Найссера, А. Хаймен. 2-е международное издание. - СПб.-Москва: Олма-Пресс 2005. - 640 с.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 176
12. Гениальность божий дар или наказание? ("Клинический архив гениальности и одаренности" под. ред. Г.В.Сегалина). - Репр. воспроизведение изд. 1925-1930 гг. - М.: Дом РДФ; Издат., образоват. и культур. центр "Детство. Отрочество. Юность", 2006. – С. 141.
13. Ибодуллаев З. Асаб ва руҳият. – Тошкент: “ZAMIN NASHR” , 2018. – Б. 116
14. Тарасов В.Б. От многоагентных систем к интеллектуальным организациям: философия, психология, информатика. - М.: Эдиториал УРСС, 2002. – 352 с.
15. Бостром Н. Искусственный интеллект. Этапы. Угрозы. Стратегии. — СПб.: Манн, Иванов и Фербер, 2016. - С. 496.
16. Келле В.Ж. Интеллектуальное и духовное начала в культуре. ИФ РАН, 2011. - 218 с.
17. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. – Тошкент: Ношир, 2011. – Б. 26
18. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 333
19. Богоявленская Д. Б. Исследования творчества и одаренности в традициях процессуально-деятельностной парадигмы // Основные современные концепции творчества и одаренности. — М., 1997. – 98 с
20. Bakhromovich S. I. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
21. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
22. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
23. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
24. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.

25. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
26. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
27. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
28. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medievel eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
29. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medievel eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83